ЎХШАТИШЛАРНИ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Ф.Усмонов

Мақолада лингвомаданий бирликлар тадқиқининг методологик муаммолари ёритилган. Ўхшатишларни тадқиқ этишда бир нечта методлар комбинациясидан фойдаланиш лозимлиги асосланган.

Калит сўзлар: *миллий-маданий коннотация, ўхшатиш, концепт, лингвомаданияттшунослик, идрок интизоми, денотатив маъно, коннотатив маъно, компонент таҳлил, дефиниционтаҳлил, ассоциация, ассоциатив таҳлил.*

В статье рассматриваются методологические проблемы исследования лингвокультурных единиц. Обосновывается необходимость комбинирования нескольких методов в исследовании сравнений.

Ключевые слова: *национально-культурная коннотация, сравнение, концепт, лингвокультурология, образ мышления, денотативное значение, коннотативное значение, компонентный анализ, дефиниционный анализ, ассоциация, ассоциативный анализ.*

The article deals with the methodological problems of the study of linguo-cultural units. The necessity of combining a member of methods in the investigation of comparison is grounded.

Key words: *national-cultural connotation, comparison, concept, cultural linguistics, discipline of thinking, denotative meaning, connotative meaning, componential, analysis, definition, analysis, association, associative analysis.*

Инсонга ато этилган тил ва тафаккур уни бошқа жонзотлардан устун қилди. Ушбу беназир неъматларни улуғлаш ва, албатта, у билан илмий қизиқиш ҳеч бир даврда сусаймаган. XX аср охирларига қадар тилнинг тадқиқ усуллари образли қилиб айтганда «нима?» ва «қандай?» саволларига жавоб бериш билан машғул бўлди. Эндиликда унинг олдида янги савол пайдо бўлди: «нега?» Бу саволга эса тилнинг субъектини, яъни унинг эгасини ҳисобга олмасдан жавоб бериб бўлмасди. Унга оддий тил эгаси эмас, маълум миллат, жамият аъзоси сифатида, маданият эгаси, муҳими, тилнинг яратувчиси сифатида қаралиши кейинги тадқиқотларда уни диққат марказига қўйди. Тилдаги ҳеч бир ўзгариш инсоннинг хоҳиш-иродасисиз рўй бермаслиги эътироф этилгани ҳолда, бу ўзгаришлар ўз-ўзидан – хаотик кечаётгандек кўриниши ҳам ҳақиқат. Бунинг сабаби, тил уни тавсифловчи «тил»га эга эмас [4.8]. Инсониятни қуршаб турган бутун олам тил орқали тавсифланса, тилнинг ўзини тавсифлаш яна унинг ўз зиммасига тушади. Тил ўзини ўзи тавсифловчи ягона ҳодисадир. Тилни оламнинг, инсон тафаккурининг инъикоси сифатида ўрганиш «олам – инсон - тил» тамойилига асосланган мақсадга мувофиқ.

Антропоцентрик тилшунослик тармоғи – лингвомаданиятшуносликни қизиқтирувчи бирликлар сирасига маданий эталонлашган, турғунлашган, образли-метафорик бирликлар (афсона, прецендент номлар, мақол, матал, ибора), метафора ва ўхшатишларни киритиш мумкин. Уларга миллий-маданий, ахлоқий коннотацияни акс эттириш, муҳими, айтарли *турғунлик* хос. Улар бир неча авлодлар ҳаёти давомида сайқалланиб, далилланиб, қуйма «ёмби»га айланган маданий ахборот ифодачиларидир. Борлиқни билишда ҳамда тилнинг шаклланишида ўхшатиш амалиётининг ўрни катта. Шу нуқтаи назардан қайд этиш керакки, тилдаги турғун бирликларни таҳлил қилиш миллатнинг миллий аксиологик нигоҳини англашга имконият беради. Инсон нотаниш нарсани таниш нарсаларга қиёслаб, «ўз қаричида ўлчаб», билим захирасини кенгайтириб боради. Арасту инсон жониворлардан ташқи оламдаги предмет ва ҳодисаларни ўхшата олиши билан фарқ қилиши ва ўзининг дастлабки билимларини ўхшатишдан олганини таъкидлаган эди [2.20]. Мантиқий илдизларга эга лисоний бирлик – ўхшатиш ёки компаратив троплар миллатнинг дунёқарашини, идрок интизомини [2.20] акс эттирувчи муҳим манбадир. Ишимизда «идрок интизоми» бирикмасини атама сифатида қўллаганмиз. Интизом – *«тартиб», «изчиллик»* экан [8], фикримизча, тил жамоаси эга бўлган миллий специфик, қимматли, маданий ҳамда эстетик қадриятлар таъсирида шаклланган дунёни қабул қилиш тарзини айнан «идрок интизоми» деб аташ мумкин. Бошқача айтганда, идрок интизоми – миллий конвенционал характерга эга тафаккур тарзи ҳисобланади. Миллий идрок интизоми эса, ўз навбатида, миллий тил орқалигина

англаниши мумкин. Масалан, ўзбеклардаги кичик нарса ёки жойга нисбатан қўлланувчи «ушоқдек» ёки «ангишвонадек» ўхшатишлари миллий идрок интизомини ўзида яққол намоён этади.

Лингвомаданиятшунослик тилшунослик ва маданиятшунослик фанлари кесишувида ҳосил бўлган фандир. У тилни маданиятнинг репрезентацияси сифатида ўрганади ва ўз объектининг табиатидан келиб чиқиб, унда когнитив ёндашув билан бирга ўзига хос «эркинлик»ка интилиш табиий. Маданиятнинг ижтимоий характери шунга имкон бериб, соф илмий, формал талқинлар унинг моҳиятини тўлиқ ёрита олмайди. Н.Алефиренко айтганидек, «лингвомаданиятшунослик объектининг тадқиқи қатьий илмийлик билан бирга, эркин фантазия эҳтиёжига эга: бунда нарративлик, бадиий фикрлаш ҳамда чуқур методологик таҳлил узвийлигини назарда тутувчи комбинациялашган ёндашув зарур» [1.38]. Дарҳақиқат, лингвомаданиятшунослик ҳозирги кунда ўзининг аниқ, қатъий методологиясига эга эмас, бу биринчи навбатда, фан объектининг синтетик хусусияти билан боғлиқ.

Хўш, ўхшатишлар лингвомаданий жиҳатдан қандай таҳлил этилмоғи лозим? Албатта, бунда ўхшатиш эталонлари муҳим. Ниманинг нимага ўхшатилаётганини, бунга нима имкон бераётгани ўхшатиш эталонларининг лексикографик таҳлили орқали очилиши мумкин. Бундай ёндашув лексема семантикасидаги миллатнинг ижтимоий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ эврилишларни кузатиш имконини беради, аммо бу ҳар доим ҳам лексеманинг миллий-маданий коннотациясига ойдинлик кирита олмайди. Манбаларда дефиниционтаҳлил компонент таҳлил билан тенглаштирилиб [3.25-26], нарса-ҳодиса ҳақида энциклопедик ахборот бериши қайд этилади. Бунинг учун лексеманинг луғат дефинициясини чуқур таҳлилга тортилади, лозим бўлса, таърифдаги ҳар бир семанинг таҳлили учун яна луғатга мурожаат этилиб, лексеманинг семалари ассоциатив алоқалар ҳисобига йирик кластер кўринишига келтирилади. Кластер (инг. *cluster* - «тўда», «уя») атамаси тилшуносликда, асосан, тил элементлари занжирини ифодалаш учун қўлланади. А.Т.Хроленко «кластер» тушунчасининг «майдон» ва «парадигма» тушунчаларидан фарқини қуйидагича тушунтиради: «майдон» – асосан маъно умумийлиги асосидаги систем характерга эга жамланмадир. Кластер эса ахборот ташувчи бутунлик (масалан, матн)нинг бирор тамойил билан ажратиб олинган сегменти ҳисобланади [10.162]. Бунда кластер олам манзарасининг бир қисмини тасвирловчи бир-бири билан боғлиқ турли бирликларнинг йиғиндиси сифатида тушунилади. Айни чоқда, кластерни жамлашга асос бўлган билимлар шу маданият билан боғлиқ афсона, удумлар, халқ оғзаки ижоди, тарихи кабилар билан боғлиқдир.

Масалан, прецедент ном ўхшатиш эталони вазифасини бажарган «Рустамдек довюрак» ўхшатишида эталоннинг қомусий луғатда берилган дефинициясиқуйидагича:

РУСТАМ — Ўрта Шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётидаги анъанавий образ; мардлик, паҳлавонлик ҳақидаги мифологик тушунча ва эпик идеалнинг рамзий ифодаси [9.394]. Бу изоҳда унинг мард, паҳлавон эканлиги бевосита ифодаланса, шу сифатлар ассоциатив равишда довюраклик билан боғланиши мумкин. Бунда прецедент номнинг ўзбек маданияти вакиллари учун фольклор орқали яхши танишлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. «Прецедент матнни билиш мазкур давр ва маданиятга тегишлиликни кўрсатса, уни билмаслик шу маданиятга бегоналикни кўрсатади» [5.216]. Ю.Караулов томонидан айтилган мазкур фикр прецедент ном билан боғлиқ, рус лингвомаданиятшунослигида «фоновые знания» деб аталаётган лингвомаданий билимлар захирасига эга бўлишни назарда тутади. Бундай интерпретацион базага эга бўлмаслик, масалан, инглиз лингвомаданиятида турғунлашган «черковнинг сичқонидек камбағал» ўхшатишини турлича талқин қилишга олиб келиши мумкин. Худди шунингдек, рус лингвомаданиятида юқоридаги сифатлар учун қўлланадиган «как Игорь» ўхшатишини маълум луғат дефинициясиорқали формал талқин қилиш ушбу ўхшатишнинг миллий қимматини тўла англашга имконият бермайди. Англашиладики, ўхшатиш эталонларининг семантик мундарижаси чуқур таҳлили учун компонент таҳлил доираси кенгайиб, лексеманинг таърифида лисоний чегарадан чиқишни талаб этади.

Юқоридаги келтирилган «ушоқдек» ўхшатишининг эталон лексемаси ноннинг майда бўлаги денотатив маъносига эга. Нонни азиз неъмат ҳисобловчи ўзбек миллати учун унинг майда бўлаги ҳам азизлиги халқ оғзаки ижодида ҳам ўз ўрнига эга («нон азиз, ноннинг увоғи ҳам азиз» мақоли; ноннинг ушоғини ҳам қадрлаган инсоннинг бадавлатлиги тасвирланган ривоят) бўлиб, улардан билвосита англашиладиган мазмун ушоқнинг бутуннинг қисми, кичик нарса эканлигидир. Демак, унинг кичиклигига доимий ишора мавжуд. Шунингдек, ўзбек тилининг айрим шевалари (масалан, қипчоқ лаҳжаси Оҳангарон водийси қурама шеваси)да қўй ва эчкиларга нисбатан ишлатиладиган «ушоқ мол» ибораси бор. Ушоқни бутуннинг қисми сифатида тасаввур этиш ўзбек тилида ушоқ сўзи-

ни болага нисбатан ҳам ишлатишга асос бўлган. Бу ўзбек тилининг изоҳли луғатидан ҳам ўрин олган: **Ушоқ** 3. *шв.* Бола, бола-чақа. [Оқсоқол:] *Мўғул келиб, ўзимизни қул қилиб олса, хотин, ушоғимизни бозорга чиқариб сотса, яхшими?* [8.312] Демак, ўзбек лингвомаданияти вакили томонидан ушоқдек кичкина ўхшатиши қўлланилишига идрок интизомини «йўллаган» асос ҳам когнитив, ҳам маданий хусусиятлар синтезидан ташкил топади.

Иккинчи мисолдаги эталон – ангишвона лексемаси 1) ҳимоя қилувчи, 2) металл буюм, 3) майда тешикли, 4) бармоққа кийдириладиган, 5) тикишда ишлатиладиган каби семаларга эга. Аввало, форс-тожик тилидан ўзлашган ушбу лексеманинг «бармоқни сақловчи» этимологик маъноси «бармоқ»ни тақозо этса, «бармоқ» ассоциатив равишда «кичкиналик»ни назарда тутади. Демак, шу предметнинг ўзбеклар учун яхши танишлиги натижасида психологик ассоциациялар, уларнинг лингвистик моҳият касб этиши натижасида вербал ассоциациялар юзага келиши аён бўлади. Д.Лутфуллаеванинг кўрсатишича, *«психологик ассоциация инсон онгида юзага келган бир-бирини кузатиб юрувчи психик элементлар (ғоялар, фикрлар, тасаввурлар, ҳис-туйғу ва бошқалар) муносабатини ифода этади. Вербал ассоциацияда эса тилда аниқ вербал ифодасига эга бўлган ва бир-бирини ёдга солиб турувчи икки ва ундан ортиқ воқелик, нарса-предмет, белги, ҳаракат-ҳолат ва ҳоказолар алоқаси акс этади»* [6.24]. Умуман, ассоциатив тилшуносликда ўхшатишлар ассоциацияларнинг бир тури – ўхшашликка асосланган ассоциациялар сифатида ўрганилади [6.47].

Лексема эга бўлган ассоциациялар тил эгасининг ёши, жинси, ижтимоий ҳолати, шунингдек, нутқ вазияти, макони, замони кабилар билан ҳам боғлиқ. Аммо лексеманинг ассоциатив потенциалида ижтимоий-маданий шартланган бирликлар юқори частотага эга.

Ассоциация хусусида сўз юритганда, лексеманинг ассоциатив потенциали унинг коннотациясидан кенглигини қайд этиш лозим. У ўзида объектнинг доимий ва доимий бўлмаган хусусиятларини жамлаши мумкин. Масалан, ўзбек тилида *бола* лексемасининг «қувноқ» ёки «содда» коннотацияси мавжуд. У бундан ташқари, ёшлик, беқарорлик, беғуборлик, беозорлик, шўхлик каби хусусиятлар билан ҳам ассоциатив алоқадордир: *У даладаям қўли ишга бормай, аллақандай паришон юрар, арзимаган нарсагаёқ* ***ёш боладай*** *лаблари титраб, кўзига милт-милт ёш олар эди*. (О.Ёқубов) гапидаги ўхшатиш конструкцияси (ёш боладай)да эталон вазифасининг *бола* лексемасига юкланиш илдизлари ассоциатив таҳлил асосида очилади. Шу ўринда ассоциатив алоқалар, моҳиятан, миллий контекстга бўйсунишини таъкидлаш ўринли.

Хулоса қилиб айтганда, лингвомаданий бирликлар, хусусан, ўхшатишлар тадқиқида лексик-семантик таҳлил асосий ўринни эгаллагани ҳолда, уларга асос бўлган миллий идрок интизомини бошқарган лингвомаданий билимлар захирасини таҳлил этиш учун кўп ҳолларда этимологик, энциклопедик, тарихий-маданий, фольклор маълумотларини жалб этиш лозим бўлади. Бу лингвомаданиятшуносликнинг тарих, социология, фольклоршунослик каби фанлар билан алоқадорлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Алефиренко Н. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка.- М.: Флинта, 2014.- 283 с.

2. Аристотель. Поэтика.- Т.: Янги аср авлоди, 2004.

3. Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике.- М.: Высш. шк., 1991.-140 с.

4. Арутюнова Я.Д. Наивные размышления о наивной картине языка // Язык о языке / Под общ. рук. и ред. Н.Д.Арутюновой. – М.: Языки русской культуры, 2000.- С.7-22.

5. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность.- М.: Наука, 1987.-168 с.

6. Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси.- Т.: Meriyus, 2017. -139 б.

7. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти.-2011.- №3.-Б.19-24.

8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 606 б.

9.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.

10. Хроленко А.Т. Основы лингвокультурологии.- М.:Флинта, 2006. -184 с.

Андижон давлат университети,
2018 йил 21 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)